

АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

- Ой якунларига кўра, савдоларнинг умумий ҳажми 1,06 трлн сўми (\$88,42 млн) ташкил этиб, 2024 йил декабрь ойига нисбатан 904,16 млрд сўмга ёки 45,98%га камайди.
- Шу билан бирга, 708,32 млрд сўми (\$59,04 млн) ёки 66,69% биржа котировкалаш варағига киритилган қимматли қоғозлар билан тузилган битимларга тўғри келди. Савдо ҳажмининг қолган қисми листингдан ташқари савдо майдончаси (ЛТСМ) битимларига тўғри келди.
- Биржа савдо майдончаларидаги битимларнинг умумий сони 38 686 тани ташкил этиб, 2024 йилнинг декабрь ойига нисбатан 8 570 тага ёки 28,46%га камайди. Шундан 31 317 та битим котировкалаш варағига киритилган қимматли қоғозлар билан, 7 369 та битим эса листингдан ташқари савдо майдончасида амалга оширилган.
- Ўртача кунлик савдо ҳажми 50,57 млрд сўми (\$4,21 млн), ўртача кунлик битимлар сони эса 1 842 тани ташкил этди.
- Ой якунига кўра, UCI индекси 3,4 фоизга ошиб, 744,07 пунктни ташкил этди.

БОЗОР ШАРҲИ

АКЦИЯ БОЗОРИ

Акциялар бозоридаги савдолар ҳажми 185,66 млрд сўми (\$15,48 млн) ташкил этиб, 2024 йил декабрь ойига нисбатан 871,15 млрд сўмга камайди. Шу ўринда, савдоларнинг асосий ҳажми (100,24 млрд сўм) Neco Board платформасига тўғри келди.

Акциялар бозорида савдоларнинг ўртача кунлик ҳажми 8,84 млрд сўми (\$737,27 минг), битимларнинг ўртача кунлик сони эса 1 426 тани ташкил этди.

Ой якунига кўра, акциялар бозорининг капиталлашуви 9,37 трлн сўмга ёки 3,41%га ошиб, 284,63 трлн сўми (\$23,67 млрд) ташкил этди. Эркин муомалада бўлган (free float) акцияларнинг бозор капиталлашуви 4,04 трлн сўми (\$339,70 млн) ташкил этди.

Ой якунига кўра, 85 та акция эмитентларининг 123 та инструментлари Биржа котировкалаш варағида мавжуд эди.


Акциялар бозорининг асосий кўрсаткичлари

		12/21	12/22	12/23	12/24	12/25
Савдо ҳажми	млн сўм	56 859	1 067 049	267 695	1 056 818	185 664
Ўртача кунлик савдо ҳажми	млн сўм	2 708	50 812	13 385	52 841	8 841
Битта битимнинг ўртача ҳажми	млн сўм	7	106	4	43	6
Битимлар сони	дона	7 830	10 029	76 122	24 861	29 955
Ўртача кунлик битимлар сони	дона	373	478	3 806	1 243	1 426

UCI ИНДЕКСИ

Ой якунига кўра, UCI индекси 3,4 фоизга ошиб, 744,07 пунктни ташкил этди.

2025 йил декабр ойи учун UCI индекси графиги



ОБЛИГАЦИЯЛАР БОЗОРИ

Корпоратив облигациялар бозоридаги савдолар ҳажми 522,65 млрд сўм (\$43,56 млн)ни ташкил этиб, 2024 йилнинг декабр ойига нисбатан 510,34 млрд сўмга ёки 42 марта ошди.

Облигациялар бозорида савдоларнинг ўртача кунлик ҳажми 24,89 млрд сўм (\$2,07 млн)ни, ўртача кунлик битимлар сони эса 65 тани ташкил этди.

Биржа котировкалаш варағига киритилган облигацияларнинг бозор қиймати 2,46 трлн сўм (\$204,31 млн)ни ташкил этди.

Ой якунига кўра, 12 та облигация эмитентларининг 26 та инструментлари биржа котировкалаш варағида мавжуд эди.

Облигациялар бозорининг асосий кўрсаткичлари

		12/21	12/22	12/23	12/24	12/25
Савдо ҳажми	млн сўм	52 191	264	5 919	12 315	522 654
Ўртача кунлик савдо ҳажми	млн сўм	2 485	13	296	616	24 888
Битта битимнинг ўртача ҳажми	млн сўм	4 015	18	102	53	384
Битимлар сони	дона	13	15	58	234	1 362
Ўртача кунлик битимлар сони	дона	1	1	3	12	65

ЛИСТИНГ

Ой охирида биржа котировкаш варағида 95 эмитентнинг 149 та инструменти мавжуд эди.

ЛИСТИНГДАН ТАШҚАРИ САВДО МАЙДОНИ (ЛТСМ)

Ой якунига кўра, Биржанинг листингдан ташқари савдо майдончасида 7 369 та битим тузилиб, ўтган йилнинг декабр ойига нисбатан 46,76%га ошди.

Савдолар ҳажми 353,75 млрд сўми (\$29,38 млн) ташкил этиб, ўтган йилнинг декабр ойига нисбатан 60,57%га камайди.

111 та эмитентнинг қимматли қоғозлари битимлар объекти бўлди.